Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 15-yanvar • Seshanba • 7 (27.812) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Билимдон, ҳар жиҳатдан етук, ғайрат-шижоатли шахсларни, ўз мамлакатининг чинакам ватанпарварларини тарбиялай оладиган, уларни буюк миллий маданиятнинг улкан маънавий мероси билан бойита оладиган, жаҳон фани ва маданияти дурдоналаридан баҳраманд эта оладиган мамлакатгина, миллатгина буюк келажакка эришиши мумкинлигини ёддан чиқармаслик лозим».

САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганим муносабати билан менинг номимга хорижий давлатлар бошлиқлари, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, илм-фан, маданият ва санъат намояндаларидан, мамлакатимиздаги меҳнат жамоалари, кўплаб ватандошларимиздан табриклар келмоқда.

Чет эллардан келаётган қутловларни мен авваламбор Ўзбекистоннинг бугунги ва эртанги тараққиётига катта ишонч, ҳуқуқий демократик давлат, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан қатъият билан бораётган, барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган халқимизга чуқур ҳурмат-эҳтиром ифодаси сифатида қабул қиламан.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари орқали барча сайловчиларимизга, азиз юртдошларимизга менга кўрсатган юксак ишончи ва йўллаган табриклари учун чин қалбимдан самимий миннатдорлик билдириб, ўзимнинг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Йил якунларига бағишланди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2007 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 февралда ўтган мажлисидаги «Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш — фаровон ҳаётимиз гаровидир» маърузасида ва ушбу йиғилиш баёнида белгиланган вазифаларнинг ижроси билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Бунда Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар комплекси соҳаларининг 2007 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари, ахборот-коммуникация технологияларининг вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида татбиқ этилишининг аҳволи, комплекс таркибига кирувчи идора ва ташкилотлар томонидан 2008 йилнинг биринчи чораги прогноз кўрсаткичларини бажариш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳисобот даврида соҳа корхоналари томонидан ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсиш суръатларини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, молиявий ва ижро интизомини кучайтириш, хизматлар турларини кўпайтириш, телекоммуникация тармоқлари ва ахборотлаштириш тизимларини модернизация қилиш ва ривожлантириш йўналишида амалий ишлар олиб борилди.

2007 йил натижалари бўйича Комплекс таркибига кирувчи соҳалар томонидан 906,49 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди, 2006 йилнинг шу давридагига нисбатан 145,4 фоизга ўсишга эришилди.

Йиллик экспорт режаси ортиғи билан, яъни 120 фоиз бажарилди. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 284,01 миллиард сўм (218,47 миллион АҚШ доллари) ўзлаштирилиб, йиллик режа 163,5 фоизга уддаланди. Бунда тўғридан-тўғри жалб қилинган чет эл инвестициялари улуши 94,4 фоизни, яъни 206,3 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

Вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилишини янада чуқурлаштириш, Интернет тармоғида ахборот ресурсларини кўпайтиришни таъминлаш, электрон ҳужжат айланишини кенг йўлга қўйиш масалаларига алоҳида аҳамият бериш лозимлиги қайд этилди.

Йиғилишда мамлакатимизда муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар таҳлил этилиб, келгусида бу йўналишда меъёрий-ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлашга, амалдаги қонунчилик талаблари бажарилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, устувор давлат дастурларининг бажарилишини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, Комплекс таркибидаги идоралар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш юзасидан кўрсатмалар берилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА)

Тинчлик ва осойишталигимизнинг мустаҳкам кафолати

Мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Куролли Кучларимизнинг 16 йиллиги кенг нишонланмоқда

Халқимиз истиқлол туфайли ўз миллий армиясига эга бўлди. Ўтган йиллар мобайнида замон талабларига мос миллий армиямиз шакллантирилди. Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш мамлакатимиз фуқаролари учун нафақат конституциявий бурч, айни пайтда том маънодаги шон-шараф ишига айланди. Бугун Ўзбекистон жанговар жиҳози ва тайёргарлиги юқори бўлган Қуролли Кучларга эга давлатлар сафидан мустаҳкам жой олди.

Бу, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригида таъкидланганидек, мамлакатимизда Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурга мувофиқ амалга оширилган, кўлами ва моҳиятига кўра улкан ишлар берган юксак самаралардандир.

...14 январь. Қиш зийнати — оппоқ қорга бурканган Мустақиллик майдонида юртимиз посбонлари саф тортди.

Майдонга Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда Давлат божхона қўмитаси вакиллари — генерал ва офицерлар ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбарлар қўйдилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Фахрий қоровул ҳарбий оркестр мусиқаси садолари остида саф тортиб ўтади.

Давлатимиз раҳбарининг Фармонига кўра, Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар орден, медаль ва фахрий унвонлар билан тақдирланди. Куни кеча уларга Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

— II даражали «Шон-шараф» орденини қабул қилиб олар эканман, ҳарбийлик касбини танлаб адашмаганимни яна бир бор ҳис қилдим, — дейди мукофотланганлардан бири — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари бригадаси командири полковник Зафаржон Мирзараҳимов. — Биз, ҳарбийларга кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимиз Ислом Каримовдан миннатдормиз.

Жасур КЕНГБОЕВ,
ЎзА мухбири

Суратда: гул қўйиш пайти.
Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат.

Миллий армиямизнинг муҳим бўғини

бўлмиш сержантлар ҳақида

2

Хизмат сафарларидан бирида ана шундай профессионаллар — ўз ҳаётини армиясиз тасаввур этолмайдиган, ҳарбий хизматни Ватани, халқи олдидаги муқаддас бурч деб ҳисоблайдиган, қолаверса, ислоҳотларимиз меваси бўлган сержантлар тайёрлаш мактабларини тугатган ўғлонлардан иборат гуруҳнинг жанговар ҳаракатини кузатганман.

Бағдодда 100 йилдан сўнг биринчи қор

3

AFP хабарига кўра, Бағдод аҳли сўнгги юз йилдан сўнг биринчи бор қорни кўрдилар. Ўтган жума куни тонг билан бошланган қор айрим маълумотларга қараганда ҳамон давом этмоқда.

Рауф ИНИЛЕЕВ: Таркибдан фақат муносиблар жой олади

4

— Ҳозирча Максим билан юзага келган вазият хусусида бирор нарса дейиш қийин. У аввал барча масалани ўз клуби билан ҳал қилишини айтди. Агар ҳаммаси жойида бўлса, Туркияда таркибга келиб қўшилади.

☑ 2008 йил — Ёшлар йили

Бунёдкорликка даъват

— 2008 йилнинг Ёшлар йили деб аталишини сирдарёлик йигит-қизлар шундай тушунмоқда, — дейди вилоят ХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти бошқаруви раҳбари Шерзод Бобожонов.

Очиғини айтганда, ёшларга эътибор масаласи бизнинг мамлакатда янгилик эмас. Кўз ўнгимизда содир бўлаётган ўзгаришларни, ёш авлод учун қилинаётган ғамхўрликларни кўра билмаслик, била туриб эътироф этмаслик ношукурлик бўларди. Энг муҳими, юртимизда ёшлар сиёсати, улар ҳаётининг муҳим қирралари қамраб олинган Қонунлар, тадбирлар хўжакўрсинга, фақат қоғозда қолиши учунгина эмас, ўсиб келаётган авлод, эртанги кунимизга масъулият ҳисси билан йўғрилганидадир. Масалан, халқ таълими соҳасига эътиборни олайлик.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларига кўра, таълим узлуксиз бўлиши, мактабни битираётган биронта йигит-қизнинг тақдири ора йўлда қолмаслиги керак. Вилоятда 2006-2007 ўқув йили якунлари бўйича амалга оширилган ишларга назар ташлайдиган бўлсак, бу талабнинг нақадар қатъий ва тўғри қўйилганлигига ишонч ҳосил қиласиз.

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Маданият, санъат, спорт фидойилари шарафига

2007 йили самарали фаолият кўрсатган маданият, санъат ва спорт намояндаларини шарафлаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу анжуманда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлод қалби ва онгида эзгу ғояларни шакллантириш, уларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат, фидойилик руҳида тарбиялашнинг муҳим шарти сифатида маданият, санъат ҳамда спорт ривожига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидланди.

Бу юртимизда кўплаб санъат кошоналари, маданият саройлари, мусиқа ва санъат йўналишидаги таълим масканларининг барпо этилишида, уларда фарзандларимизнинг иқтидори тўлиқ намоён бўлиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиб берилганида ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Ана шундай ғамхўрлик натижасида ёш истеъдодларимиз жаҳон спорт майдонлари, халқаро фан олимпиадалари, маданият ва санъат оламида катта ютуқларга эришмоқда.

Президентимизнинг 2008 йил 7 январда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши бу йўналишдаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Ўтган 2007 йил мамлакатимиз санъати ва маданияти ҳаёти унутилмас тадбирларга бой бўлди. Жаҳоннинг энг кўҳна ва бетакрор шаҳарларидан бўлмиш Самарқанднинг 2750 йиллиги, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги кенг нишонланди. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали, ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши муносабати билан халқаро миқёсда ўтказилган кўплаб тадбирлар шулар жумласидандир.

Айни пайтда мамлакатимизда ёш истеъдодларни кашф этиш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган кўплаб кўрик-танлов ва фестиваллар бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ёшлар йили деб эълон қилинган 2008 йилда бундай тадбирлар кўлами янада кенгайиши қувонарлидир.

Спорт соҳасида ҳам 2007 йил юртимиз вакиллари учун жуда сермаҳсул бўлди. Пойтахтимизда юксак савияда ўтказилган «Универсиада-2007» талаба-ёшларнинг спорт мусобақалари оловқалб, серғайрат йигит-қизлар учун чинакам гўзаллик ва маҳорат байрамига айланди. Айни пайтда бир қатор ҳамюртларимиз Жаҳон ва Осиё чемпионатлари, нуфузли халқаро мусобақаларда Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилдилар. Бокс бўйича жаҳон чемпиони Аббос Атоевнинг муваффақияти, футбол бўйича Ўзбекистон ногиронампутантлар терма жамоасининг жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлгани бунинг далилидир.

Ўтган йил якунларига кўра Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театри «Йилнинг энг фаол театри», «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси «Ўзбекистон ёш истеъдодларининг кашфиётчиси» номинацияси бўйича ғолиб топилди.

Футбол бўйича Ўзбекистон «Байналмилал» ногиронлар жамоаси «Йилнинг энг кучли спорт жамоаси», «Sen Yolg'iz Emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси «Ёш спортчиларни қўллаб-қувватловчи энг фидойи жамғарма», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси «Йилнинг энг яхши маданият ва санъат тарғиботчиси» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

Тантанали маросимда ғолибларга ўттизга яқин номинация бўйича диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбир санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги катта мусиқий дастур билан якунланди.

Назокат УСМОНОВА,
Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбирлари.

Суратларда: танлов ғолибларидан — бокс бўйича жаҳон чемпиони Аббос Атоев ва Ўзбекистон халқ артисти Зулайҳо Бойхонова.

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.

Бунёдкорликка даъват

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мазкур ўқув йилида вилоят бўйича 15910 нафар ўқувчи умумтаълим мактабининг тўққизинчи синфини битириб, 14540 нафари таълимнинг кейинги босқичига жалб этилди. Битирувчиларнинг аксарият кўпчилиги, аниқроғи, 12131 нафари касб-ҳунар коллежларига, 912 нафари эса академик лицейларга, 1497 нафари 10-синфга қабул қилинди.

Бу статистиканинг яна бир муҳим жиҳати бор. Бугун мактаб партасини тарк этаётган авлод шак-шубҳасиз 5-6 йилдан сўнг мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналтирувчи кучи бўлиб майдонга чиқади. Ёш авлоднинг бундай улуғвор миссияга қанчалар қодир, келажак синовларига қанчалар тайёр бўлиши уларни тўғри йўналтиришга бевосита боғлиқдир. Айнан шу масала ЎзХДП ёшлар қаноти иш фаолиятининг асосий мазмунини ташкил этади.

Якунланган йилнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда ёшлар қаноти мактаб ва касб-ҳунар таълими муассасалари талабаларининг ижтимоий муҳофазасига кўпроқ эътибор қаратди. Ёш истеъдодларни, аълочи, жамоатчи талабаларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, кам таъминланган, серфарзанд оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш каби тадбирлар вилоятдаги барча туман ва шаҳарларда амалга оширилди. Айниқса, Ширин, Сирдарё шаҳарлари, Сардоба, Боёвут туманлари ЎзХДП кенгашлари ташаббуси билан ҳомийлар кўмагида аълочи талабаларга стипендиялар ажратиш, кам таъминотли оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш таомилга кирди.

Ёшлар билан ўтказилган тадбирларда ижтимоий муҳофаза биринчи даражали аҳамият касб этгани ҳолда, уларни бевосита ёшларнинг ўзи ташкил қилиб, бошдан охиригача ўзлари иштирок этгани аҳамиятга моликдир. Йил давомида «Ёшлар ва сиёсат», «Ёшлар фаол фуқаролик позициясининг мустаҳкамланиши жараёнида», «ЎзХДП ва ёшлар сиёсати» каби долзарб мавзулардаги тадбирларда муҳим масалалар ўртага ташланди, йигит-қизларнинг фикрлари ўрганилди. Хусусан, партия фаолларининг Бахт шаҳрида жойлашган Республика ўғил болалар коллежи талабалари билан учрашуви ёдда қоларли бўлди. Дилдан ўтказилган суҳбат-мунозаралардан сўнг талабаларга эсдалик нишонлари ва спорт кийимлари топширилди. Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад, вилоят ёшлари олдида турган бирламчи, ўткир масалалар ҳақида фикрлашиб олиш, вазифалар белгилаш, энг муҳими, айнан шу ёшларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишдан иборатдир.

Муҳтарам Президентимиз мамлакатимизда демократик, ислоҳотлар бўйича амалга оширилаётган ишларга бефарқ, томошабиндай қараб турмай, бевосита бу ишларнинг фаол иштирокчиси бўлиш лозимлигини қайта-қайта уқтириб келадилар. Айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод вакиллари теварак-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга беписанд қарамаслиги, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида фаол қатнашмоғи жуда муҳим омил ҳисобланади. Якунланган йилнинг бошларида ёшлар қаноти фаолияти барча туман ва шаҳар кенгашлари конференцияларида кўриб чиқилган, мавжуд аҳволга танқидий нуқтаи назардан қаралиб, Сирдарё туман ва Гулистон шаҳар кенгашидан ташқари барча туман ва шаҳар кенгашларидаги фаолият қониқарсиз, деб топилган эди. Шундан келиб чиққан ҳолда айрим туман ва шаҳар кенгашлари ёшлар қаноти раисларининг янги таркиблари сайланди, бошқа туманларда эса ишни жонлантиришга доир тегишли топшириқ ва йўриқномалар берилди. ХДПнинг вилоят, шаҳар, туман кенгашлари фаоллари ёшлар билан ҳамкорликда тадбирларни жонли, мақсадга мувофиқ равишда ўтказишга эътибор қаратдилар. Тадбир давомида турли хил спорт мусобақалари, кўнгилочар ўйинлар, семинар-тренинглар ташкил қилинди. Оромгоҳлардаги бундай учрашувлар сўнггида дам олаётган гуруҳларга спорт анжомлари совға сифатида топширилди.

Ёшлар қаноти вилоят бошқаруви ХДП вилоят кенгаши ҳузурида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхонаси фаолиятида ҳам мунтазам иштирок этиб келаётир. Масалан, ўтган йил давомида ишга жойлаштириш сўраб ёзилган 14 та аризанинг 10 таси ижобий ҳал қилинди.

Ёшлар йилининг дастлабки кунлариданоқ «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари жойларда давра суҳбатлари, ҳокимият вакиллари, депутатлар билан учрашувлар уюштирмоқда. Асосий эътибор ёшларга кўрсатилаётган эътибордан кўзланган мақсад тарғиботига қаратилмоқда.

Келгуси йили вилоятимизда «Умид ниҳоллари» спартакиадаси ўтказилиши муносабати билан янги-янги спорт иншоотлари қуришга киришилди, мавжудлари эса реконструкция қилинмоқда. Бундан ташқари, вилоятдаги ҳар бир туман, шаҳарда ёшлар митти-мавзелари бунёд этиш, уларда камида 20 тадан коттеж қуриш мўлжалланаётир. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, янги оила қурган ёшлар яшайдиган бу мавзеларда газ, сув, электр, иссиқлик тармоқларини тўлиғича давлат ҳисобидан ўтказиш кўзда тутилаяпти. Бу каби бунёдкорлик ишларида ХДП ёшлар қаноти вилоят бошқарувининг фаол иштироки таъминлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

«Ўзбекистон овози» мухбири Мунаввар ПАРДАЕВ ёзиб олди.

☑ Ватан ҳимояси — олий шараф

Ҳарбий ўқув юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабларини модернизация қилиш, уларнинг моддий-техник ва ўқув базасини мустаҳкамлаш, замонавий компьютер техникаси, коммуникация ва ахборот технологиялари ҳамда таълим воситалари билан жиҳозлаш бўйича катта иш қилинмоқда. Буларнинг барчаси ҳар қандай вазиятда ҳам ташаббускор ва самарали қарор қабул қилишга қодир бўлган командир ва сержантларнинг янги авлодини тайёрлаш ва тарбиялаш мақсадида амалга оширилмоқда.

Ислом КАРИМОВ

Миллий армиямизнинг Муҳим бўғини

бўлмиш сержантлар ҳақида

Жанговар вазифа чўл шароитида амалга оширилмоқда. Бунда гуруҳдаги ҳар бир мутахассиснинг ишончли ҳаракат қилиши, «душман» пистирмаларига учраб қолмаслиги учун аниқ чора-тадбирларни қўллаши лозим. Гуруҳ командирининг ўринбосари, кичик сержант Жасур Қобилов барча масъулиятни ўз зиммасига олди. Ахир, у профессионал командир бўлмасидан олдин ҳам етакчиликни, гуруҳ бошқарувини зиммасига олиб, жанговар вазифаларни бажариб келган. Қолаверса, сержантлар тайёрлаш мактабида ҳам бу борада таҳсил кўрган.

Кичик командир тажрибасидан келиб чиқиб, ҳар бир мутахассиснинг жанговар тартибдаги секторини, аниқроғи, ўрнини белгилаб берди. Ким, қайси позицияда туради, қандай ниқобланади, бари-бари ҳақида кўрсатмалар берди.

Вазиятни тўғри баҳолаган ҳолда кузатув пости ташкил этишни буюрди. Бу жойда дастлаб снайпер — шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Моҳиддин Камолов ўз маррасини эгаллади. 2005 йилда Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактабини тугаллаган бу йигит ҳам мерганлик илмининг усталаридан. Командирдан буйруқ олар экан, у шартли душманнинг олдинги сафда ҳаракатланаётган йўлбошчиси, командири, сапёр, алоқачи, автоматчиларини нишонга ола бошлади. Нишонларга оралиқ масофа минг метрча келади. Бунда маҳорат қўл келди. Мерган жанговар вазифани аъло даражада уддалади.

Хизмат сафарларидан бирида ана шундай профессионаллар — ўз ҳаётини армиясиз тасаввур этолмайдиган, ҳарбий хизматни Ватани, халқи олдидаги муқаддас бурч деб ҳисоблайдиган, қолаверса, ислоҳотларимиз меваси бўлган сержантлар тайёрлаш мактабларини тугатган ўғлонлардан иборат гуруҳнинг жанговар ҳаракатини кузатганман. Ҳар қандай вазиятда ҳам тўғри қарор қабул қилишга қодир бўлган, етакчилик қобилиятлари шаклланган сержантларнинг бугунги авлодларини улар тимсолида кўрганман.

Яхши биламизки, замонавий талаб ва андазаларга жавоб берадиган миллий армиямизни шакллантириш йўлида қилинган улкан ишлар, ислоҳотлар давомида армиямизнинг муҳим бўғинларидан бири бўлган сержантларни тайёрлашга устувор вазифа сифатида эътибор қаратиб келинаётир. Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини кескин ошириш, армиямизда соғлом маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, профессионал тайёргарлик даражасини юксалтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган сержантлар тайёрлаш мактаблари барпо этилди. Уларнинг замонавий жанговар-ўқув базалари билан таъминланаётгани, пировардида сержантлар таркиби армиямизнинг том маънодаги таянч устунига, аскарларнинг устози, офицерларнинг энг яқин ёрдамчисига айланиб бораётганини фахр билан тилга олсак арзийди. Ислоҳотлар боис сержантлик мақоми юксалмоқда, деймиз. Хўш, бу нималарда акс этади?

Сержант қўл остидагиларни ҳар қандай шароитда ҳам энг мураккаб вазифаларни бажаришга руҳий жиҳатдан тайёрлайди. Аскарларни бошқариш, қурол, жанговар техника ва ҳарбий мулкни доимо асраб-авайлашда, жанговар шай туришида бўлинма командирига ёрдам беради. Шунингдек, қўл остидаги аскарлар билан мустақил тайёргарликлар олиб бориш, тактик, ўт очиш, махсус тайёргарликлар, индивидуал-тарбиявий ишлар бўйича машғулотлар ўтказиш сержантнинг зиммасида. Жанговар ҳолатларда эса табиийки, бўлинманинг жанговар шайлиги, шахсий таркибда юксак маънавий-жанговар руҳни таъминлаш сержантдан талаб қилинади. Миллий армиямиз сержанти номига муносиб бўлиш учун барча вазифаларга виждонан ёндашиши керак.

Қўриқланаётган объектда ҳушёрлик, сергаклик билан хизмат вазифасини бажаргани, қоидабузарни ушлашда ишончли ҳаракат қилиб, қўл остидагиларга ибрат кўрсатгани учун ортда қолган йил якунида шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари — А.Соттиқулов, Ш.Омонов, Б.Рўзибоев, Х.Бекмуродов Мудофаа вазирининг буйруғига кўра, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди. Таъбир жоиз бўлса, бу билан улар бугуннинг сержанти номига муносиб эканлигини, армиямизнинг том маънодаги суянчи, таянчи эканликларини исботлашди.

Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотларнинг иккинчи даври дея эътироф этиладиган 2000-2002 йилларда миллий армиямизда муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. Профессионал ҳарбийларимизни тайёрлашга ихтисослашган, замон талабларига жавоб берувчи сержантлар тайёрлаш мактабларининг ташкил этилиши шулар сирасидан. Бугун барча ҳарбий округларимизда самарали фаолият кўрсатаётган сержантлар тайёрлаш мактаблари профессионал ҳарбийларни тайёрлашга янгича эътиборимиздан, бу борада ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўлдан одимлаётганимиздан далолат. Ортда қолган йилда Шимоли-ғарбий ҳарбий округида ҳам замон талабларига жавоб берувчи сержантлар тайёрлаш мактаби ўз фаолиятини бошлаб, профессионал кичик командирларни тайёрлаётир. Мазкур ўқув масканлари йилдан-йилга замонавийлаштирилиб, энг илғор технологиялар, жиҳозлар билан таъминланаётир. Айниқса, сержантликка номзодларни танлашнинг муайян тизими вужудга келди. Сержантлар тайёрлаш мактабларига ўқишга киришда номзодларнинг умумтаълим, интеллектуал, ижтимоий-сиёсий билимлари, жисмоний тайёргарлик даражасига алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган, бугун анъанавий тус олган «Энг илғор мутахассис» танловидаги номинациялардан бири «Энг илғор сержант» дея номлангани кичик командирларнинг янада профессионаллашувида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган йил охирида танловнинг республика босқичида кичик сержант Қаҳрамон Худойқулов ғолиб бўлди. Еки секция командири, кичик сержант Хайрулла Маматкаримовни олайлик. Ўқув йилини унинг жамоаси юксак жанговар ютуқлар билан якунлади. Ижтимоий-сиёсий, жанговар, жисмоний, хуллас, барча-барча тайёргарликлар бўйича унинг шахсий кўрсаткичлари юқори бўлди. Кўрик-танловнинг якуний босқичида саралар ичра сара, мардлар ичра мард эканлигини исботлаб, «Энг илғор сержант» деб тан олинди.

Бугунги сержант армиянинг шахсий таркибини бўғинма-бўғин мустаҳкам ташкил этадиган, унинг қудрати ва маҳоратини ҳар томонлама оширишга хизмат қиладиган ҳам мураббий, ҳам командир ҳисобланади.

Алижон САФАРОВ

☑ ЎзХДП: электорат манфаати

Меҳр дунёни қутқаради

Меҳрибонлик уйидаги болалар давлат ғамхўрлиги ва муҳофазасига олинган, яхши шароитлар яратиб қўйилган бўлса-да, улар ҳақиқий оила, ота-она меҳри орзусида яшашади. Ана шуларни эътиборга олганда Меҳрибонлик уйи ишчи-хизматчилари, педагог ходимлари гарданидаги юк, масъулият қанчалик оғирлиги аён бўлади. Бунинг устига тарбияланувчилар ногирон, бу дард уларнинг бир умрлик ҳамроҳи бўлса-чи?

Пойтахтдаги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли 2-болалар Мурувват уйида орқа мия фалажига учраган ва ақли заиф болалар тарбияланади.

— Ўтган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури асосида Мурувват уйимизнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қатор ишлар қилинди, — дейди ушбу маскан директори, ЎзХДП аъзоси Умида Асадуллахўжаева. — Биноларни таъмирлаш учун қўшимча 83 миллион сўм ажратилди. Энг муҳими — педагог ва тиббий ходимларимиз сони икки бараварга ошгани улар шуғулланадиган гуруҳлардаги болалар сонининг тенг ярмига қисқартириш имконини берди. Бу ҳар бир тарбияланувчи билан ишлашга ажратиладиган вақт, эътибор ошади, дегани. Масканимизнинг доимий ҳомийлари ҳам бор. «Меҳр нури» фонди биноларимизни таъмирлашда ёрдам берди, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар совға қилди. Мебель ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Кенг макон» хусусий фирмаси ходимлари ҳам тез-тез совғалар билан келиб турадилар, мебелларимизни таъмирлаб беришади.

Директор яна бир ҳомий — ЎзХДП Собир Раҳимов туман кенгаши ҳақида гапирар экан, кенгаш раиси Камолиддин Акромовнинг ҳам айни пайтда шу ерда эканини айтди.

— Яқинда бу ерда биргаликда Янги йил тадбирларини ўтказгандик, — дейди Камолиддин Акрамов. — 28-мактаб бадиий ҳаваскорларининг концертини ташкил этдик. Бугун бу ердаги партия аъзолари билан айрим масалалар ҳақида гаплашиб олишимиз керак. ЎзХДПга аъзоликка қабул қилишни сўраб ёзилган аризалар муҳокамаси ҳам кун тартибидан ўрин олган. Энди бу ердаги 22 нафар ХДП аъзосининг сафи янада кенгаяди...

— Ногирон болалар билан ишлаш фидойиликни талаб этади, — дейди тарбиячи Лобар Қосимбекова. — Ногирон боладаги қандайдир қизиқишни вақтида илғаб, бу хусусиятни шакллантиришда ёрдам бериш бизнинг вазифамиз. Кимдир мусиқага, кимдир спортга ёки расм чизишга қизиқади. Эрнест деган 17 ёшли тарбияланувчим ёшлигидан шу ерда. Ўз фантазияси туфайлигина хаёлида оила муҳитини яратган. У чизган расмларда доим мукаммал оила шароити акс этади — шинамгина уй, ота-она, бола... Бу ердаги болаларнинг аҳволи-руҳиятини кўриб туриб, вазифангни ҳар кунгидан яхшироқ уддалашга ҳаракат қиласан киши.

Мурувват уйи ходимларининг баъзи хайрли ишлари ўз вазифалари доирасидан ҳам чиқиб кетади. Ҳамшира Майя бир яшар болани асраб олганди. Ҳозир 6 ёшга тўлди ва у ёрдамчи мактабда таҳсил олаяпти, ўқишлари яхши. Балким, бу Майянинг меҳр-муҳаббати натижасидир... Меҳр дунёни қутқаради, деганлари балки, шудир.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши Қарши шаҳридаги Сержантлар тайёрлаш мактабида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 16 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч» мавзуида байрам тадбири ўтказди. Унда сўзга чиққан вилоят партия кенгаши раиси Рашид Муртозоев офицер ва курсантларни байрам билан табриклаб, Ватан ҳимоясидек улуғ ишга бел боғлаган юрт ҳимоячиларидан бир гуруҳига ўқиш ҳамда жамоат ишларидаги фаоллиги учун Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғаларини топширди. Шунингдек, табрик учун сўзга чиққан партия фаоллари, жамоат ташкилотлари вакиллари Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, ҳарбийларнинг сиёсий билимларини оширишда ҳамкорликдаги келгуси вазифалар ҳақида тўхталдилар.

Хонқа туман партия кенгаши томонидан ҳам ҳамкор ташкилотлар кўмагида «Йигитнинг марди аскар бўлади» мавзусида байрам тадбири ташкил этилди. Тадбир доирасида 38-сон умумтаълим мактаби ўқувчилари ўртасида ҳарбий ўйинлар асосида кўрик-танлов ташкил этилиб, ғолибларга Фахрий ёрлиқ ва совринлар топширилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

☑ Газетада босилмади, аммо...

Интизомий чора кўрилди

Иштихон тумани, Азамат қишлоғида яшовчи Суюндиқ Қўчқоров ўз хатида қаровсиз қолган жияни Ҳасанни васийликка олиш ва унга 16 ёшгача нафақа тайинлаш ишларини маҳалла оқсоқоли пайсалга солаётгани ҳақида ёзганди. Ана шу хат юзасидан олинган жавоб мактубида жумладан, шундай дейилади:

«Азамат» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро С.Қўчқоровнинг аризаси туман Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси (Т.Ражабов) томонидан ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш жараёнида аризада келтирилган важлар қисман ўз исботини топди.

Фуқаро С.Қўчқоровнинг 2 нафар фарзандига 2007 йилнинг октябрь ойидан 16 ёшгача бериладиган нафақа пули тайинланган.

Вояга етмаган Қўчқоров Ҳасаннинг отаси Қўчқоров Мэлс 2006 йил 23 март куни вафот этганлиги сабабли уни ўзларининг ҳомийлигига беришларини сўраган. Бу ҳолатга вояга етмаган Қўчқоров Ҳасан ҳам розилик билдирган.

Вояга етмаган (1992 йил 7 август куни туғилган) Қўчқоров Ҳасан тоғаси Қўчқоров Суюндиқ ва янгаси Қўчқорова Гулчехраларнинг ҳомийлигига берилди. Туман ижтимоий таъминот бўлими (Б.Пўлатов) ва «Азамат» маҳалласи раиси (О.Жумаев)ларга ҳомийликка олиш ва вояга етмаган Қўчқоров Ҳасанга нафақа тайинлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш топширилди.

Тумандаги «Азамат» маҳалла фуқаролар йиғини раиси О.Жумаевга интизомий чора кўрилди.

Иштихон тумани ҳокими Ш.НЕГМАТОВ

☑ Таҳририятга хат

Сабабини билолмаяпман

Еки қарийб бир йил давомида қайта терговда ётган жиноят иши хусусида

Менинг мурожаатим асосида «Журналист суриштируви» ўтказилиб, газетанинг 2006 йил 12 сентябрдаги сонида «Жиноятга айланган низо» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда нари борса хўжалик низоси бўлиши мумкин бўлган мен билан боғлиқ ҳолат тергов органи томонидан жиноятга айлантирилгани ва судлар ҳам шундай хулосага асоссиз келганлиги хусусида мулоҳаза юритилган эди.

Шундан сўнг ушбу масала Олий суд назоратига олинди ва қуйи суд қарорларига нисбатан протест келтирилди. Протест асосида жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди Раёсати 2006 йил 6 октябрдаги қарори билан жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман судининг 2006 йил 13 июндаги ҳукми (судья И.Нуралиев) ва жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти суди апелляция ҳайъатининг 2006 йил 31 июль кунидаги ажрими (судьялар М.Тешабоев, О.Алиджанов ва Р.Араповлар)ни бекор қилиб, жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судига ишни қайтадан кўриб чиқиш учун юборди.

Суд жараёнида тергов ҳаракатларида йўл қўйилган қатор камчиликлар аниқланиб, 2006 йил 15 декабрдаги ажрим билан жиноят иши қўшимча терговга қайтарилди.

Қўқон шаҳар прокуроринг хусусий протестига асосан иш апелляция инстанциясида кўриб чиқилди. Жиноят ишлари бўйича вилоят суди апелляция ҳайъатининг 2007 йил 29 январдаги ажримига асосан биринчи босқич судининг қарори ўзгаришсиз қолди, протест қаноатлантирилмади. Яъни, қўшимча тергов ўтказиладиган бўлди.

Шундан кейин ушбу хом-хатала «жиноят иши» ишнинг дастлабки терговини олиб борган Фарғона вилоят прокуратураси терговчиси И.Валиевга топширилганидан хабарим бор. Мен ўз навбатида бунга норозилик билдириб, у киши дастлабки терговни нохолислик билан олиб борганини, масалан, уйда бўлсамда менга нисбатан гуёки қидирув эълон қилганини ва қидирув тўғрисидаги қарор Фарғонадан мен яшаётган Қўқон шаҳрига (ораси 90 км.) 51 кунда «етиб» келганини, яъни йўқ ҳолатдан «катта жиноят» ясалганини ёздим ва раддия билдирдим.

Лекин орадан бир йилга яқин вақт ўтса ҳамки, раддияга жавоб ҳам олмадим, тергов ҳаракатларига жалб ҳам қилинганим йўқ. Балки терговчи яна орқаворотдан қидирув эълон қилгандир ва у кишининг шу ҳақдаги қарори Қўқонга бу сафар бир йилдан кейин етиб келар... билмадим...

Аммо жиноят ишининг узоқ вақтдан буён қўшимча терговда ҳаракатсиз ётиши менга жуда катта маънавий зарар етказмоқда. Ҳуқуқшунос бўлганим учун бундай ҳолат ҳақида не дейишга, ундан кўзланган мақсад нима эканлигига ҳайронман...

Бахтиёр ЮЛДАШЕВ, Қўқон шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 15 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	1139,30	1 Малайзия рингити	395,36	1 ЕВРО	1903,41
1 Англия фунт стерлинги	2542,27	1 Польша злотийси	529,11	10 Жанубий Корея вони	13,77
1 Дания кронаси	255,64	1 СДР	2043,06	10 Япония иенаси	118,31
1 БАА дирҳами	351,92	1 Туркия лираси	1114,00	1 Россия рубли	52,73
1 АҚШ доллари	1292,46	1 Швейцария франки	1163,44	1 Украина гривнаси	255,93
1 Миср фунти	236,35				
1 Исландия кронаси	20,73				
1 Канада доллари	1285,13				
1 Хитой юани	177,87				

** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

«Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компанияси:

Истиқболли ишлар сарҳисоби

якунлар, режалар ва ўзаро ҳамкорлик

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг **«Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»**ги (2006 йил, 11 январь) қарори қабул қилингандан буён «Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компанияси корхоналари ва унинг тасарруфидаги мева-сабзавотчилик ҳамда узумчилик хўжаликларида кенг кўламли, истиқболли ишлар амалга оширилди.

Компанияда сўнгги икки йил ичида қарор ижроси йўлида бажарилган ишлар таҳлилига ва қайта ишлаш корхоналарига узум хомашёси етказиб бераётган агрофирма ҳамда фермер хўжаликлари билан ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлашга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Унда биргина 2007 йилнинг ўзида 46 та қайта ишлаш корхоналари томонидан узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва агрофирмалар билан 2273 та контрактация шартномалари тузилгани, токзорларда ҳосилдорлик ўртача 63,0 центнергача етгани, компаниянинг қайта ишлаш корхоналарига узум хомашёси етказиб бераётган илғор жамоаларда бу кўрсаткич гектар бошига 247,8 центнергача бўлгани алоҳида қайд этилди.

Сўнгги икки йилда соҳада катта модернизация ишлари олиб борилди. Тармоқнинг 6 та корхонасида коньяк спирти олувчи ускуналар ўрнатиш, 10 та узумни бирламчи қайта ишлаш ускуналари ва 15 та виночилик ҳамда 4 та спирт ишлаб чиқарувчи корхоналарда техник-технологик жиҳатдан янгилаш ишлари олиб бориш кўзда тутилди. Бу ишлар учун 34,3 миллион АҚШ доллари ажратилди. Натижада, узум виноси ишлаб чиқаришдаги ўсиш 133 фоиз, ароқ ва ликёр-ароқ маҳсулотлари — 143, спирт тайёрлаш 127 фоизни ташкил этди.

Тадбирда тармоқ фермерлари ўртасида ўтказилган танлов натижаларига кўра, ғолиблар мукофотланди, жараёнда иштирок этган агрофирмалар рағбатлантирилди. Шунингдек, виночиликда катта ютуққа эришаётган ва соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшаётган қайта ишлаш корхоналари мутахассислари турли номинациялар бўйича тақдирланди, жорий йил марралари ва ўзаро ҳамкорлик режалари белгилаб олинди.

Анжуманда компания билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган вазирликлар, идоралар, илмий текшириш институтлари ва тегишли олий ўқув юртларининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Замон АЛИ

Суратда: анжумандан лавҳа.
Козим ЎЛМАСОВ олган сурат.

Янги сайланган президент
учрашувга тайёр

Жанубий Кореянинг янги сайланган президенти иккала Корея ўртасидаги навбатдаги саммит Пхеньяннинг ядро қуроли яратиш тўғрисидаги дастурига чек қўйишга ёрдам берса, КХДР раҳбари Ким Чен Ир билан исталган пайтда учрашувга тайёр эканлигини билдирди, — деб хабар беради ИТАР ТАСС.

«Иккала Корея етакчилари, — деб таъкидлаган Ли Мен Бак, — агар музокаралар Шимолнинг ядро қуролига бўлган интилишини бартараф этиш ишига наф берса, улар исталган пайтда учрашишлари мумкин. Бироқ, навбатдаги саммит албатта Сеулда бўлиши керак».

Эслатиб ўтамиз, мамлакатлараро олдинги икки учрашув Пхеньянда бўлиб, кутилган натижа бермаган.

ЭРОН МАГАТЭнинг ЯДРО ДАСТУРИ БЎЙИЧА

барча саволларига март ойида жавоб беради

Атом энергияси бўйича Халқаро агентлик (МАГАТЭ) раҳбари Муҳаммад Эль-Барадей 13 январда агентликнинг Эрон билан яқин тўрт ҳафталик ҳамкорлик режаси ишлаб чиқилганлигини маълум қилган.

France Presse хулосаларига кўра, Эроннинг МАГАТЭ билан боғлиқ ядро дастури «ғалва»лари бу муҳлат тугаши биланоқ барҳам топиши керак. Бундай мувофиқлашган келишувга Барадейнинг Эрон олий етакчиси Оятулла Али Хумайни ва мамлакат президенти Маҳмуд Аҳмадинежад билан бўлган учрашувда эришилган.

Эрон Ташқи ишлар вазирлиги матбуот котиби Муҳаммад Ҳусайнининг таъкидлашича, шу муносабат билан Эрон ўз ядро дастури бўйича қолган барча саволларга 2008 йилнинг март ойида тўла жавоб беришга тайёр.

Хабарингиз бўлса, Теҳрон ўзининг атом доирасида олиб бораётган тадқиқотлари фақат тинчлик мақсадларида эканлигини доимо уқтириб келмоқда. Бироқ, АҚШ, Исроил ва Европанинг айрим давлатлари мазкур ислом республикасининг ядро қуроли ишлаб чиқараётганидан шубҳага тушмоқдалар.

Қисқа хабарлар

✓ Эстония пойтахти Таллинда ўтган йилнинг апрель ойида бўлган оммавий тартибсизликни уюштиришда айбланаётган «Озодлик жангчиси» бронза ҳайкали ҳимоячилари устидан суд жараёни бошланди. Харьюс уезд судининг матбуот хизмати маълумотига кўра, суд очиқ тартибда ўтади.

✓ Гватемала Россия билан муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш йўлида Россия бозорлари имкониятларини ўрганиш учун махсус гуруҳ тайёрлаяпти, деб таъкидлаган мамлакатнинг янги Президенти Альваро Колом ИТАР-ТАССга берган интервьюсида.

✓ Россия Федерацияси Президенти сайловида Марказий сайлов комиссияси сайловчиларни сайловда иштирок этишга чорловчи жараёнлар учун 220 миллион рубл сарф қилади, деб ёзади «Ведомости» газетаси. Давлат Думасига бўлган сайловларга тайёргарлик жараёнларида эса мазкур мақсадларга 20 миллион рубл камроқ харажат қилинганди.

✓ Хитой мамлакатда янги темир йўл қурилишлари ва юк транспорт тизимларини модернизация қилишга 2008 йилда 41 миллиард доллар маблағ ажратадиган бўлди. Ҳукумат 4 минг 415 километр узунликда янги темир йўл излари ётқизиш ва ҳаракатдаги мавжуд йўналишларни таъмирлаш ишларини кўзламоқда.

Бу ҳақда Хитой Темир йўл вазири Лю Чжицзун оммавий ахборот воситалари ходимлари билан бўлган конференцияда маълумот берган, деб уқтиради Reuters.

Бағдодда 100 йилдан сўнг биринчи қор

AFP хабарига кўра, Бағдод аҳли сўнгги юз йилдан сўнг биринчи бор қорни кўрдилар. Ўтган жума куни тонг билан бошланган қор айрим маълумотларга қараганда ҳамон давом этмоқда. Ҳаво ҳарорати «О» даражага тушган.

Кутилмаган ҳаво ўзгариши ҳозирча хавф туғдирганича йўқ. Қор учқунлари ерга тушиши биланоқ эриб кетмоқда. Мамлакат пойтахти, ғарби ва марказий ҳудудлар, шунингдек, шимолий тоғли массивларда ҳам қор ёғиб турибди.

Таъкидлаш жоиз, табиатнинг бу «ўжар»лиги билан Янги йилда Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари ҳам рўпара келишди. Саудия Арабистони, Эрон, Афғонистон, Қирғизистон ва Тожикистонда дафъатан тушиб кетган ҳаво ҳарорати ва қалин қор муайян қийинчиликлар туғдирмоқда.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

Наманган вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очиқ танлов савдолари ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Лот №	Мактаб манзили, рақами	Ўқувчи ўринли
1.	1/1	Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани, Момохон қишлоғидаги 16-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.	320
2.	1/2	Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани, Кўгалик қишлоғидаги 24-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш	320
3.	1/3	Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани, Гўртепа қишлоғидаги 6-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш	422
4.	1/4	Наманган вилояти, Учқўрғон тумани, Учқўрғон шаҳридаги 5-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш	844
5.	1/5	Наманган вилояти, Учқўрғон тумани, Қўғай қишлоғидаги 24-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш	624
6.	1/6	Наманган вилояти, Учқўрғон тумани, Янгиер қишлоғидаги 30-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш	624
7.	1/7	Наманган вилояти, Учқўрғон тумани, Янгиер қишлоғидаги 35-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш	260
8.	2/1	Наманган вилояти, Косонсой тумани, Косонсой шаҳри, Навоий кўчасидаги 1-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш	640
9.	2/2	Наманган вилояти, Косонсой тумани, Қорасув ҚФЙдаги 25-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш	360
10.	2/3	Наманган вилояти, Косонсой тумани, Косонсой шаҳри, Боғ кўчасидаги 38-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш	422
11.	2/4	Наманган вилояти, Косонсой тумани, Косонсой шаҳри, Ҳуррият кўчасидаги 5-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш	525
12.	2/5	Наманган вилояти, Косонсой тумани, Тагижар қишлоғидаги 41-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш	422
13.	2/6	Наманган вилояти, Косонсой тумани, Чиндовул қишлоғи, Ободон кўчасидаги 23-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш	320
14.	2/7	Наманган вилояти, Косонсой тумани, Қорасув ҚФЙдаги 37-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш	495
15.	3/1	Наманган вилояти, Чуст тумани, Чуст шаҳридаги 6-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш	720
16.	3/2	Наманган вилояти, Чуст тумани, Каркидон қишлоғидаги 19-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш	720
17.	3/3	Наманган вилояти, Чуст тумани, Оғасарой қишлоғидаги 26-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш	422
18.	3/4	Наманган вилояти, Чуст тумани, Чуст шаҳридаги 3-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш	1050
19.	3/5	Наманган вилояти, Чуст тумани, Каркидон қишлоғидаги 15-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш	844
20.	3/6	Наманган вилояти, Чуст тумани, Янгиобод қишлоғидаги 36-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш	240
21.	3/7	Наманган вилояти, Косонсой тумани, Косонсой шаҳри, Охунбобоев кўчасидаги 8-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш	960

Қурилишни якунлаш муддати — барча объектлар бўйича 2008 йил 1 август.
Қурилиш ишлари Наманган вилояти ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компаниясига ажратилган мактаб жамғармаси маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

II. Наманган шаҳар, Отамирзаев кўчасидаги юқумли касалликлар шифохонасини 160 ўринли вилоят туберкулёз диспансерига мослаштириб мукаммал қайта қуриш.

Объектнинг ҳисобланган бошланғич нархи ҚҚС билан — 1 133 297 413 сўм.
Қурилишни якунлаш муддати — 2008 йил 1 сентябрь.
Молиялаштириш Наманган вилояти ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компаниясига ажратилган давлат маблағи ҳисобидан амалга оширилади.
Буюртмачи: Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси. Телефон: (8-369) 226-22-60, 233-77-06.
Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.
Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат қилишлари мумкин.
Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.
Танлов ҳужжатлари битта объект тўпламининг нархи — 60 000 сўм.
Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.
Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.
Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:
Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

қуйидаги иншоот қурилиши учун пудратчи ташкилотни танлаш бўйича очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Сурхондарё вилояти, Термиз халқаро аэропорти ҳудудидаги 110 ўринли меҳмонхона (ошхонаси билан) учун оқава чиқиндиларни тозалаш иншооти қурилиши.

Иншоотнинг қурилиш муддати — 270 кун.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган **инвестиция** маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: **Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел/факс: (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.**

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик — муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй, телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.

Барча қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Сирдарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

2008 йил манзил дастурига киритилган аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш учун қуйидаги иншоотларни тўлиқ қуриб битказиш шарти билан ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Ховос тумани, Бобур ДФХУ «Соҳибкор» қишлоғида (тик қудуқ қазиш)
Бошланғич нархи — 53305,723 минг сўм ҚҚС билан, муддати — 90 кун.
2. Сирдарё тумани, Пахтазор ҚФЙ «Улуғбек» маҳалласида (тик қудуқ қазиш ва 1,0 км. сув тармоғи)
Бошланғич нархи — 54720,692 минг сўм ҚҚС билан, муддати — 90 кун.
3. Сайҳунобод тумани, «Олғабос» қишлоғида (тик қудуқ қазиш ва 1,3 км. сув тармоғи)
Бошланғич нархи — 57574,615 минг сўм ҚҚС билан, муддати — 90 кун.
4. Оқолтин тумани, «Найман» қишлоғидаги ДФХ «Мусомуҳамедов» сув иншоотида (тик қудуқ қазиш)
Бошланғич нархи — 41512,585 минг сўм ҚҚС билан, муддати — 90 кун.
5. Оқолтин тумани, Фарғона ф/х дан Ғалаба ДФХгача (3,0 км. сув тармоғи тортиш)
Бошланғич нархи — 111610,651 минг сўм ҚҚС билан, муддати — 90 кун.

Буюртмачи манзили: — Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, М.Аҳтамова кўчаси, 30-уй, тел: 8 (3672) 27-63-86.

Қурилиш ишларини молиялаштириш «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20% миқдоридаги бўш айланма маблағлари бўлиши ёки шу миқдорда кредит банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари мавжудлиги, шартномалар тузишга ҳуқуқий лаёқат, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми 50 фоиздан кам бўлмаслиги шарт.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Гулистон шаҳри, М.Аҳтамова кўчаси, 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Тел: (8-3672) 27-64-84, факс (8-3672) 27-64-42.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

Рауф ИНИЛЕЕВ:

Таркибдан фақат муносиблар жой олади

Хабарингиз бор, шу йилнинг 6 февралида футбол бўйича 2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионати саралаш учрашувлари Осиё минтақаси учинчи босқич баҳсларига старт берилади. Шу куни Ўзбекистон миллий терма жамоаси Байрутда Ливан футболчилари билан куч синашади.

Хўш, футболчиларимиз мазкур учрашувга қандай ҳозирлик кўришмоқда? Жамоа таркибида қандай ўзгаришлар бор? Шу каби саволларга жавоб олиш мақсадида бош мураббий Рауф ИНИЛЕЕВ билан суҳбатлашдик.

— Рауф Талгатович, шу ойнинг охирида терма жамоамиз Туркияда бир неча ўртоқлик учрашувларида майдонга тушади. Аммо танланган рақибларнинг унчалик кучли эмаслиги кўпчиликни ажаблантирмоқда.

— Ҳа, муҳим учрашувга жуда оз вақт қолди. Бу муддатда эса рақиб танлашнинг имкони бўлмайди. Биз қисқа фурсат Туркияда ўқув-йиғин машғулотлари ташкил этамиз. Шу маҳалда Белоруссиянинг «МТЗ-РИПО» жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказамиз. Иккинчи учрашувда ҳам дастлабки рақибимиз савиясидаги жамоа билан ўйнашни истардим. Чунки орадан бир неча кун ўтиб, Ливан терма жамоасига қарши ўйин бўлиб ўтади. Шу боис, футболчиларимиз кучини имкон қадар тежашимиз зарур.

— Куни кеча ўқув-йиғин машғулотларига жалб этиладиган 26 нафар футболчи рўйхати эълон қилинди. Унда бир қатор янги номзодларни кўрдик. Масалан, «Рубин» (Қозон, Россия) ўйинчиси Вагиз Галиуллинни олайлик...

— Бунинг ҳеч қандай ажабланарли жойи йўқ. У олимпиячилар таркибида ўзининг ишонарли ўйинлари, хатти-ҳаракатлари билан кўпчиликда илиқ тассурот уйғотган. Шу боис, Вагизни миллий терма жамоа таркибига жалб этаяпмиз.

— Маълумки, «Динамо» (Киев, Украина) жамоасида Юрий Сёмин янги бош мураббий сифатида иш бошлади. У терма жамоамиз сардори Максим Шацкихни Туркияда ўтадиган ўқув-йиғин машғулотларига қўйиб юборармикин?

— Ҳозирча Максим билан юзага келган вазият хусусида бирор нарса дейиш қийин. У аввал барча масалани ўз клуби билан ҳал қилишини айтди. Агар ҳаммаси жойида бўлса, Туркияда таркибга келиб қўшилади. Уни албатта тўғри тушунамиз. Чунки киевликлар айни пайтда янги бош мураббий қўл остида машғулотларни бошлашмоқда. Ўйлайманки, Байрутда Ливан терма жамоасига қарши ўтадиган учрашувга Максим етиб келади.

— Таркибга танаффусдан сўнг Александр Гейнрихнинг таклиф қилинишини қандай изоҳлайсиз?

— Бунинг бош сабаби, мабодо Максим Шацких таркибимизга қўшила олмаса, унинг ўрнида Гейнрих майдонда ҳаракат қилади. Ҳозирда Саша жамоа захирасидаги футболчиларимиз сафидан жой олган.

— Ўтган йилнинг ёзида Осиё чемпионатидан сўнг ҳужумчи Марат Бикмаев танқид остига олинган эди. Бироқ сиз уни яна таркибга жалб этаяпсиз. Шунингдек, тажрибали футболчи Владимир Радкевичнинг бу гал ҳам назардан четда қолаётганлигини қандай тушунса бўлади?

— Терма жамоа эшиклари ҳамма учун бирдек очиқ. Ундан фақат муносибларгина жой олади. Тўғри, ёзда Маратнинг айрим хатти-ҳаракатларидан мутахассислар қониқишмаганди. Айни чоғда у яхши жисмоний ҳолатда ва янги клубга ўтмоқда. Ёшларга имконият яратиш эса бизнинг вазифамиз. Радкевич масаласига келсак, у ярим йилдан буён майдонга чиқмаяпти. Қолаверса, Володя яқиндагина ўз жамоасини ўзгартирди. Лекин у ҳамиша назоратимиз остида турибди.

— Ливан терма жамоаси ҳақида нима дея оласиз?

— Очиғи, рақибимиз тўғрисида жуда кам маълумотга эгаман. Фақатгина шуни биламанки, улар анча бўйдор ҳимоячиларга эга. Яқинда Ливан футболчилари бир неча ўртоқлик учрашувларида майдонга тушади. Ана шу ўйинлар тасвири туширилган видео кассеталар билан танишгач, аниқ бирор нарса дейишим мумкин.

Эркин ХОЛБОБО суҳбатлашди.

Хотира — муқаддас

Кундаликда битилган орзулар

Ҳаёт узунлиги билан эмас, балки мазмуни билан ўлчанади, деган экан машҳур донишмандлардан бири. Узоқ умр кўрса-да, ўзидан яхши ном қолдирмайдиган ва аксинча, чақмоқдек қисқагина ҳаёти билан халқимиз қалбидан ўлмас из қолдирганлар қанча. Шу ҳақда ўйларканман, бундан бир неча йил бурун ҳали мактабни битирар-битирмас она тилидан ташқари рус, немис, инглиз, француз тилларида эркин сўзлаша бошлаган ва улар орасига ҳинд тилини ҳам қўшиш ниятида юрган суюкли фарзандим ёдимга тушади. Беихтиёр қалбим ёришади, хаёлимда унинг нурли сиймоси, фақатгина ўзига хос бўлган ва ўзигагина ярашадиган эркаликлари гавдаланади...



Қизим Ферузахон ёшлигидан зукко, ҳаётга қизиқувчан, кундалик юмушларга, мактабдаги дарсларни ўзлаштиришга, турли байрамлар ва туғилган кунларни нишонлашга жуда жиддий эътибор билан қарарди. Шу боис бўлса керак, у кундалик дафтар тутиб, унга қатор хорижий давлатларда кечган ҳаётимизни ва мусофирлигимизда бошимиздан ўтган турли саргузашт-воқеаларни ёзиб юрарди. Бугун бу КУНДАЛИК менинг энг яқин сирдошим, қизимдан қолган азиз хотирага айланган. Баъзан катта-кичик юмушлардан чарчаганимда ёхуд қизгинамнинг ёруғ дийдорини соғинган пайтларимда уни варақлаб, дилбандим билан ғойибона суҳбатлашаман, дардлашаман...

«1996 йилнинг май ойи. Ҳадемай Германиядан қайтиб келганимизга ҳам саккиз ой бўлади. Бу даврда бир неча бор шифохонада даволаниб чиқишимга тўғри келди. Меҳрибон онам ҳар доим ёнимда бўлди. Дадам ишда бўлсалар ҳам кунда икки, баъзан уч марта кўргани келиб турдилар. Ҳар доим менга ёқадиган бир нарсалар олиб келиб, турли-туман қизиқ гаплар билан мени кулдирардилар. Биз узоқ гаплашиб ўтирар, кейин кўчага чиқиб, тоза ҳавода бироз айланиб келардик. Дадам ҳарчанд мендан хавотир бўлаётганларини билдирмасликка ҳаракат қилсалар ҳам кўзларидан ва юзларидаги ҳорғинликдан ич-ичларидан сиқилаётганликларини сезиб турардим. Бу ҳаммаси мени жуда-жуда яхши кўрганлари учун бўлаётганини билиб, бир куни онам билан гаплашиб ўтирганимизда «дадамга айтинг, менга бундай қаттиқ меҳр қўймасинлар, ахир мен бир кун турмушга чиқаман ва сизлардан алоҳида яшашимга тўғри келади, унда нима қиладилар?», деб берган саволимга онам: «Э, қўявер, дадангга айтганинг билан фойдаси йўқ. Унинг кўзига сендан бошқа ҳеч ким кўринмайди», — деб жавоб берган эдилар.

Дарҳақиқат, дадам мени еру кўкка ишонмасдилар. Мен билан худди катталар билан гаплашгандек сўзлашиб, тез-тез турли масалалар бўйича маслаҳатлашиб ҳам турардилар. Кўнглимни кўтариш учун бўлса керак, бир куни «Феруза қизим, шу... ҳар доим сени берган маслаҳатингга амал қилсам, ишим юришиб кетади» дегандилар.

Бир куни онам билан уйда эдик. Дадам ишдан ҳар доимгидан эртароқ келдилар. Биз билан сўрашиб рўпарамиздаги диванга ўтирдилар. Бироз гаплашганимиздан сўнг уларнинг мутлақо бошқа нарсалар ҳақида ўйлаб ўтирганларини сездик. Шунда онам дадамга қараб: «Ҳа нима бўлди, тинчликми ўзи? Хаёлларингиз қаерларда учиб юрибди?», — деб сўрадилар. «Ўзи сизларга айтаймми ёки йўқми, деб ўйлаб ўтирган эдим. Бугун мендан бошқа ишга ўтишим бўйича билдирилган таклифга фикримни сўрашди, бунга сизлар нима дейсизлар», деб бизга саволомуз қарадилар. Онамга «Хўш, сиз нима, дейсиз?» дейишлари биланоқ мен «тўхтаб турингглар, ҳозир келаман» дея хонамга югуриб бориб, бир журналдан кўчириб олинган икки бетли астрологик жадвални олиб чиқиб, дадамга бир танга бериб, «қани беш марта шу тангани ташланг-чи», дедим. Ташланган тангалар натижаси бўйича мен жадвалда кўрсатилган усулга қараб астрологлар башоратини ўқиб бердим. Башоратда: «Воқеаларни олдинлаб ўтманг» (не опережайте события), дейилган эди. Буни ўқиганидан кейин дадамнинг юзлари бирданига ёришиб кетганини кўриб, таклиф этилган янги иш у кишига бирдан маъқул келмаганлигини дарров сездим. Роппа-роса икки ойдан сўнг ишдан қайтгач, овозларини баланд қилиб «Феруза, мана сенинг башоратинг тўғри чиқди, мен бугун бошқа ишга ўтдим», деб хурсанд бўлиб, мени кучоқлаб «сен Худога яқин фаришта ўхшаган қизсан, шунинг учун сендан доим маслаҳат сўраб тураман», дедилар...»

Бу бўлган воқеа. Қандай ёзилган бўлса худди шундай кўчирдим. Ишонинг, ҳаётимда қандай муҳим янгилик-ўзгариш бўлишидан аввал албатта, Ферузахон билан маслаҳатлашиб, унинг фикрига қулоқ солардим. Ўн биринчи синфда ўқиб юрган пайтларида мактабдош дугоналари ҳам бизникига тез-тез келиб ўз дардларини унга айтиб, маслаҳат олиб туришарди. Келажакда Ферузахон жуда кўп хайрли ишлар қилишни истарди. «Мактабни битириб медицина институтига кириб ўқийман. Доктор бўлиб шахсий клиника очаман. Клиникамда ҳамма қариндош-уруғларимизни, дўстларимни ва яна ким мурожаат қилса ҳаммасини бепул даволаб, албатта соғайиб кетишига ёрдам бераман» деб, кундалик саҳифасига бир неча бор ёзиб қўйган экан. Ҳозир уни варақлаб ўтирарканман, қизим менга яна нималардир деяётгандай туюлаверади. Ниятлари бир кун амалга ошишини истаётгандай бўлаверади...

Илҳом НЕЪМАТОВ

Самарқанд шаҳридаги 6-сонли оилавий поликлиника ҳудудда тиббий маданиятни шакллантириш, оналар ва болалар соғлиғини мунтазам назорат қилиш, оилада тиббий хизмат кўрсатишни ташкил қилишда алоҳида ўрнак кўрсатиб келаётган шифо масканларидан. Бугунги кунда ушбу даргоҳда меҳнат қилаётган 16 нафар врач ҳамда 60 нафардан зиёд ҳамшира 18 та маҳалланинг 26000 нафар аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, 3 та мактаб ва шунча болалар боғчаси тарбияланувчиларининг саломатлигини назорат қилиб, ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказиб туриш ҳам поликлиника ходимлари зиммасида.

Суратларда: *оилавий поликлиника ҳаётидан лавҳалар.*

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси билан 2008 йил — Ёшлар йили деб эълон қилинди

Ёшлик — ривожланиш ва юксалиш даври!

Юртимиз ёшларини қўллаб-қувватлаш мақсадида

АТ «ПАХТА БАНК»

ўзининг янги, қулай ва манфаатли йиллик 30 фоиз даромад тўланадиган

«БАРКАМОЛ АВЛОД» жамғарма омонат турини жорий этди.

Омонатга ҳисобланган фоизли даромадингизни пул ўтказиш йўли билан Сиз:

— таълим кредити ва таълим контрактини тўлашингиз;
— ипотека ва истеъмол кредитини сўндиришингиз;
— коммунал тўловларини тўлашингиз;
— ёки ҳисобланган фоизларни нақд пулда олишингиз мумкин.

Омонатни сақлаш муддати 18 ойгача.
Бошланғич бадал миқдори — 10 000 сўм.

«Пахта банк» — фаровонлигингиз калитидир!

Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги «SERTA» масъулияти чекланган жамиятининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика ва Беруний туман кенгашлари Ўзбекистон ХДП Беруний туман кенгаши раиси **Юлдаш НАСУРЛАЕВ**нинг бевақт вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Футбол федерацияси, Ўзбекистон футболини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ўзбек футболи фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий **Акмал АЗИЗХЎЖАЕВ**нинг вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Бир гуруҳ дўстлари Каттақўрғон туманидаги «Аҳмад бобо» фермер хўжалиги раиси, меҳнат фахрийси **Омон АҲМЕДОВ**нинг вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий экспертиза Бош бюроси жамоаси бўлим мудири Ж.Ҳ.Ҳошимовага ва лаборант Д.Ҳ.Орифжоновага оналари **Тожинисо ая МИРЖАЛИЛОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Madaniyat va sport 133-69-45, 133-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36, 133-44-55 (Tel. Faks)
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 133-12-56
Kotibiyat 133-72-83, 136-55-17
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 50
15774 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni —
Topshirilgan vaqti —
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda